Шарқ юлдузи

Ўзбекистон Ёзувчилар
союзининг органи

ОЙЛИК АДАБИЙ-БАДИИЙ,
ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ЖУРНАЛ

47-ЙИЛ ЧИҚИШИ



ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ
АДАБИЁТ ВА САНЪАТ
НАШРИЁТИ

1979 1

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мундарижа

Л. И. Брежнев. Қўрик 3

АДАБИЁТЛАР ДЎСТЛИГИ — ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ

Л. И. Брежнев. Осиё ва Африка ёзувчиларининг Тошкент учрашуви қатнашчиларига . . 62
Ш. Р. Рашидов. Қудратли ҳаракат 64
А. Ла Ґума. Адиблар сўзи — халқлар сўзи 71
К. Яшин. Хуш келибсизлар! . . 74
То Хоай. Якдиллик асоси . . . 75
Ч. Айтметов. Келажакнинг талаби . 77
А. Сафронов. Адиблар ҳамкорлиги 78
М. Дарвеш. Қудратли бирлик . . 80
М. Иброҳимов. Биродарлик ҳаракати 81
Осиё ва Африка ёзувчилари Тошкент конференциясининг декларацияси 83

ҲАМЗА ҲАКИМЗОДА НИЁЗИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 90 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

Л. Қаюмов. Қалдирғоч. Пьеса . 85
Ҳабибий. Ғазаллар 110
Р. Бобожон. Қадрдоним, қора кўзлигим. Шеърлар 112
Айёмий. Ленин. Бўлгай, бўлмагай. Эй гўзал Шеърлар 124

ҲИКОЯЛАР

А. Асилов. Холис хизмат. Вафодор . 126
Н. Раҳматов. Анзират. 130
Р. Раҳмон. Қутлуғ қадам. Роман Давоми 133
Э. Самандаров. Қабул соатлари. Поэма 173

ИБН СИНО ТУҒИЛГАН КУННИНГ 1000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

У. Каримов. Буюк аллома . . . 198

ПУБЛИЦИСТИКА

В. Тюриков. Ленин декрети билан . 203

ТАНҚИД ВА АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ю. Султонов. Улуғ санъаткор. . . 213
М. Маҳмудов. Ҳаёт ҳақиқати ва бадиий сюжет 217
Б. Ғуломов. Драматик романлар . 221

ТАҚРИЗЛАР

С. Мирзаев. Адабий ва мафкуравий кураш 225
М. Солиева. Қалбдан янграган куйлар 226
Н. Ҳотамов, С. Аҳмедов. Демократ шоир ҳақида рисола . . . 229
Ч. Аҳмаров, А. Абдуллаев. Гўзаллик мадҳи 231
М. Юнусов. Покиза туйғулар . . 233

«ГУЛҚАЙЧИ»

А. Маннопов. «Обзорчи» 236
З. Шодиева. Тугун 237
Конвертларни қайчилаганда . . . 238
Маданий ҳаёт 239

www.ziyouz.com kutubxonasi



ТАНҚИД
ВА
АДАБИЁТШУНОСЛИК

Бердиали Имомов,
Баҳодир Ғуломов

ДРАМАТИК РОМАНЛАР

Бадиий асарнинг таъсирчанлиги аввало, унда акс эттирилган чуқур инсоний драмаларга, кескин ҳаётий тўқнашувларга боғлиқ. Бу драма руҳий дард-ташвишлар ҳаётий бўлса, шароит ва характерлар мантиқига мос тарзда ифодасини топа олса ва ўзида чуқур ғояни мужассамлаштирса, асарнинг бадиий қуввати шунчалик кучли бўлади. Дарвоқе, драма асардан кузатилган мақсадни изчил йўналишда, яхлитликда, қаҳрамонлар ва воқеаларнинг ўзаро узвий бирлигида, драматик тарангликда таъсирчан очилиши, маъно-ғоянинг воқеа ва характерлар билан уйғунлик касб этишидир. Биринчи галда драманинг жанрий специфик ва эстетик хусусиятини белгиловчи бу хислат романга ҳам тааллуқлидир. Чунки, роман асл эътибори билан драматик тўқнашувлар асосига қурилади. Романни драмага эгизак қиладиган биринчи—етакчи омил унинг чуқур инсоний драмалар асосига қурилганида, бу тўқнашувлар заминида ётувчи характерларни ҳаракатга келтирувчи конфликтнинг кескинлигида кўринади. Ҳақиқий характерлар бор жойда албатта конфликтлар ҳам кучли бўлади. Шу жиҳатдан кейинги йилларда яратилган бир неча романлар хусусида фикр юритамиз.

Ҳамид Ғуломнинг «Мангулик» романида маданий инқилобнинг бир шохобчаси — чекка тоғ қишлоғида рўй берган синфий курашлар, янгилик билан эскинлик намоядалари ўртасидаги беомон тўқнашувлар тасвирланган. Асардаги типик шароитда ҳаракат қиладиган қаҳрамонларнинг образларини чизишда, унга мансуб индивидуал хусусиятларни очишда ёзувчи маҳорати қирралари янада ёрқинлашгани, давр ҳодисаларини бадиий акс эттиришда реалистик принциплари янада чуқурлашгани яққол кўринади.

Роман сюжетининг ривожига жиддий туртки берувчи, ҳатто уни муайян бадиий қолипга солиб турувчи Мақсудов образи ўзининг ўй-фикрлари, ҳаётий мулоҳазалари билан салобатли қиёфада гавдаланади. Автор қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини ёритиш жараёнида, уни тадбиркор, ақлли, босиқ-вазмин раҳбар, тажрибали чекист қиёфасида индивидуаллаштира боради. Мақсудов узоқ мулоҳазалардан сўнг икки ёш ўлдирилган чекка қишлоқдаги мактабга учинчи ўқитувчи қилиб ўзининг яккаю ёлғиз ўғли Масъудни юборишга қарор қилади. Қаҳрамон оталик меҳр-туйғуси билан ижтимоий бурч ўртасидаги зиддият оташида қолади. Шу ички қарама-қаршилик асар охиригача давом этиб, ота-боланинг маънавий дунёсини, ички кечинмаларини ёркин кўрсатишда катта аҳамиятга эга бўлди. Ёзувчи олдида давр воқеаларини персонажларнинг ички оламидан ўтказиб бадиий таҳлил этиш орқали ижтимоий-психологик роман яратиш ёки жиноят изини қидириш билан алоқадор мураккаб бир-бирига уланиб кетувчи ҳодисалар чигилини ечиш жараёнида характерларни очиш орқали детектив асар бунёд этиш сингари икки хил вазифа туради. Романнинг ғоявий-бадиий тузилишида, хусусан, чекистлардан Масъуд, Пронин ҳамда уларнинг антиподи Шерқўзи билан боғлиқ сюжет чизиқларида

www.ziyouz.com kutubxonasi

детективга мансуб ҳолатлар бўртиб кўринса-да, яхлит олганда, «Мангулик» ижтимоий-психологик романдир.

Ёзувчининг ғоявий ниятини асар бадиий тўқимасига сингдиришда, Масъуд образи алоҳида ўринда туради.

Масъуд турли қийинчиликларни енгиш жараёнида иродаси мустаҳкам, ғайрати зўр, ҳушёр ва тадбиркор шахс бўлиб гавдаланади. Жамият олдидаги бурчни ўз отаси сингари ҳис этиш туйғуси туфайли у оғир тўсиқларга дуч келган, ўлим хавфи остида қолган дамларда курашдан чекинмайди.

Бош қаҳрамон образини очишда унинг Салоҳиддин билан тўқнашуви муҳим аҳамиятга эга. Бундан ҳам қалтис йўналиш Масъуднинг Дилдор билан танишувида юз беради. Душман табақасига мансуб бу қиз билан яқинлашиши дўстларида норозилик туғдириши ҳамда бусиз ҳам муаллимни ўлдириш пайида юрганларни баттар қутуртириши мумкин. Шунга қарамай, Масъуд бу қиз билан дўстона муносабатда бўлишдан ҳайиқмайди. Адиб қаҳрамонининг бундай иш тутишини ҳаётий омиллар билан таъминлаб ишонтиради: Масъуд Дилдор воситасида қотилларни аниқламоқчи. Бунга у озми-қўпми эришади ҳам. У Дилдорда самимийлик, софлик, ҳақиқатталаблик, одиллик, мардлик, янгиликка, илмга чанқоқлик каби инсоний сифатларни илғайди. Шу важдан уни жаҳолат ботқоғидан тортиб олишга ҳаракат қилади. Дилдорнинг ҳақиқат, адолат, янги тузум тарафдорлигини англаб олиши Масъуднинг катта муваффақияти эди. Бу вазифани бажариш жараёнида йигит қизни севиб қолади. Шу тарзда севги линиясидаги шахсий муносабатлар ижтимоий масалалар билан боғланиб кетади.

Романнинг ғоявий-эстетик ўзагини тутиб турувчи Масъуд жонли характер даражасига кўтарилган, фидойи қаҳрамон сифатида эсда қолади. Шунга қарамай, бу образда баъзи иллюстратив ҳолатлар мавжуд. Чамаси адиб уни кўп қиррали қаҳрамон қилиб тақдим этишни кўзлаб, мустақил тасвирланиши мумкин бўлган бир қатор характер қирраларини Масъуд тимсолида жамлашга уринган. Бир вақт ўқитувчилик соҳасида таълим олган ва шароит тақозосигача шу касбда ишлаётган, аслида чекист бу қаҳрамон яна шоир, полвон курашчи, созанда ю хонанда тимсолларида гавдаланади. Аммо, бундай сифатларни кўрсатувчи эпизодлар тизмасидан яхлит характер шаклланмайди. Чунки бу фазилатлар маълум шарт-шароит таъсирида пухта очилмагани туфайли улар образга шунчаки иллюстрация бўлиб қолган. Тўғри, унинг музикага ихлоси, уни эгаллаши заминига ишора бор. Лекин бошқа сифатлари характерга сингмаган.

Баъзи ўринларда Маъсуднинг изланишлари, психологик драмаларни бошидан кечириши, муддаога изчил хатти-ҳаракат билан эришиши ҳам бир текис ёритилмайди. У омадли шахс сифатида мақсадига гоҳо қийинчиликларсиз, йўл-йўлакай, тасодифан эришади: Норхўжабой боғидан ўтаётиб, қотил Норматни қўлга тушириши анча юзаки чиқиб қолган. Шунингдек, аёл кишининг Нормат отган пичоққа чап бериб, уни товоқ (?) билан қаттиқ жароҳатлаши ҳам у қадар ишончли эмас. Психологик тасвир ўрнига детективга хослик устун бўлиб қолиш ҳолати Маликжон билан Нозикнинг тўйлари эпизодида ҳам бор: Масъуднинг Муродхўжани аразидан осонгина тушириб, тўйхонага келтириши, Жавлонхўжанинг ўз синглиси тўйида Масъудга ўқ узиши каби воқеаларда табиийлик етишмайди.

Салбий образлар галереяси орасида Шерхўжа қунт билан чизилган. Роман конфликтининг асосий қутби бу образ қатнашган ўринларда кескин тус олади. У исми-жисмига яраша йиртқич табиатли, ашаддий синфий душман, ўз маслаги йўлида ўлимдан ҳам қайтмовчи шахс тарзида гавдаланади. Унинг характерига хос сифатлар хатти-ҳаракатларида, ўй-фикрларида синглиси Дилдорни пичоқлашида, Тамарага муносабатларида деталлаштирилади. У янги тузум руҳидан, Масъудлар таъқибидан қочиб, қор бўронларда, далатошларда, туну кун изғиб-тентиб, ўлжа излаган оч бўридек кезиб юради. Унинг характери мантиқига уйғун бўлган ҳатти-ҳаракатлари жонли ва табиий тасвирланган. Шерхўжа характерини очишда ёзувчи «Машъал» романидаги Бўронбек образини яратишда қўлга киритган маҳоратини янада ойдинлаштиради. «Мангулик» романи ўзининг ҳаққонийлиги, давр драматизмини реал ва ишонарли бадиий акс эттириши билан ҳам маърифий-эстетик қимматга эгадир.

Янги жамият учун курашда мардона ҳалок бўлганлар барҳаёт эканлигини, улар бу кунги бахтли ҳаётимиз руҳида яшаётганлигини бадиий образларда акс эттириш «Мангулик»нинг ғоявий-бадиий яхлитлигини таъминловчи лейтмотивдир.

Мирмуҳсиннинг «Чотқол йўлбарси» романининг қиммати эса аввало ундаги инсоний драмаларнинг ҳаётийлигида, тақдирлар драмаси орқали муҳим муаммолар таъсирчанликда айтилганликдадир. Асарнинг бош қаҳрамони Чотқол сув тўғони қурилиши инженери — участка бошлиғи Қоражон Мингбоев. У Улуғ Ватан уруши фронтларида ўлим билан юзма-юз олишган, танкда ёнган, икки марта жарроҳ столига ётиб чиққан, уруш касофатидан юзининг чап томони чандиқ бўлиб қолган. қошининг ярми, чап қулоғи, ияги ва бўйни куйиб кетган. Лекин у маънавий жиҳатдан гўзал инсон. Бахтимиз учун курашда кўрсатган қаҳрамонлиги туфайли иззат-эътибори баланд. Унинг маънавий гўзаллиги меҳнатга, меҳнат аҳлига муносабатларида камол топиб боради. Уруш инвалиди Милтиқбой акани безорилардан ҳимоя қилишдаги жасорати, умумхалқ ишига фидойилиги туфайли меҳримизни қозона бошлайдиган қаҳрамоннинг севги изтироблари, у билан Гулгун ва бошқа шахслар орасидаги муҳаббат можаролари муҳим ижтимоий масалаларни — Чорвоқ сув иншооти қури-

www.ziyouz.com kutubxonasi

лишига боғлиқ муаммоларни бадиий тадқиқ этишда яхшигина восита — майдон бўлади. Бу ҳол асар бошлариданоқ сезила боради: қурилиш бошлиғи Садовников билан қишлоқ оқсоқоллари орасидаги суҳбат бир қаралганда тўқнашувларсиз рўй бергандек туюлади. Лекин бу суҳбат Гулгун қалбида ҳукм сураётган ташқи хунуклик ва ички ғўзаллик курашига таъсири жиҳатидан чуқур ички конфликтга эга. Қурилаётган иншоот моҳиятини, бунда Қоражон қилаётган ишларнинг улканлигини Гулгун мазкур суҳбат руҳидан чуқур уқиб олади. Натижада қизда йигитга мойиллик, унга ён бериш майллари сезила бошлайди.

Муҳаббат воситасида меҳнат поэзиясини, меҳнат аҳли психологиясини очишдаги бундай ўзига хослик Қоражон ва Гулгун билан академик Файзулла Музаффаров ва шоир Амир Равнақлар ·аро муносабатларда, Хайрушка образидаги драматик ўринларда ҳам бор· Чунончи Қоражон томонидан академик Музаффаров илмини олтинга нисбат қилиниши, унинг пенсияга чиққандан кейин ишламай қўйганлигини олтиннинг тупроққа қўмилиб қолиб кетишига қиёс этиши шу жиҳатдан ғоят характерли. Бу фикрлар образлилиги, характерга хослиги — индивидуаллиги, драматик ҳолатда айтилиши туфайли таъсирли. Чунки шу мулоҳазалардан кейин олим меҳнат қучоғига қайтишга аҳд қилади.

Қоражоннинг яна бир қатор хислатлари хилма-хил шароитларда таъсирчан эпизодларда кўриниб боради. Шу нуқтаи назардан айниқса қуйидаги икки драматик ҳолат характерли: қурилишда долзарб пайтлар. Бир шофер иситмаси борлигига қарамай ишга келган. Бошлиғи Қоражон бунга бефарқ қарай олмайди, хастани дарҳол даволанишга йўлларкан, айни чоғда ишни ҳам унутмайди. Ўзи шофер ўрнига рулга ўтиради ва ниҳоятда камтаринлиги, меҳнатсеварлигини амалда исботлайди. Бу ерда қаҳрамон ўз хислатини бемалол кўрсата оладиган шароитда· Лекин бошқа бир ўринда уни жуда мушкул аҳволда кўрамиз. Тўғон устига кўтарилаётган машина қия, тор йўлда тойиб, баландликдан қулаб, мажақланиб, парча-парча бўлиб кетади. Ёшгина шофёр йигит кабинада қонга беланиб ётарди. Фожиа қурилишдаги барча шоферларни чўчитиб қўяди. Йўлда бироита ҳам машина кўринмасди. Бу аҳволда иш графиги бузилади. Белгиланган план бажарилмай қолади. Қоражон ё куннинг ўрталарига ишни тўхтатиб туриши ёки ишни бошлаб юборишга шоферларни кўндириши керак. Кўндирадиган бўлса фожиа эҳтиётсизлик орқасида юз берганини исботлаши зарур· Бу — ўз-ўзича бўладиган осон иш эмас. Фалокат яна такрорланиши мумкин. Бундай шароитда чинакамига мард одамгина майдонга чиқади. Қоражон бу ишга журъат этиб, фожиа содир бўлган нуқтадан машинада қайта-қайта юк олиб ўтиш йўли билан ҳалокатдан юрак олдириб қўйган шоферларни ишга сафарбар этади. У, мустаҳкам иродали, матонатли, марди майдон инсон сифатида гавдаланади. Қаҳрамон бошқа бир вазиятда — иншоотда сув сирқиши орқасида содир бўлган драматик ҳолатларда ҳам ана шу фазилатларини зоҳир этади.

Хуллас, ҳозирги кунларимизнинг улкан қурилишларидан бири— Чорвоқ сув иншооти қоражонлар, шишкинлар, садовниковлар, файзуллалар фидойилиги шарофатида юзага келганлигини характерлар ҳаракатида, кескин тўқнашувларда, мураккаб шароитларда бадиий ҳис этамиз.

Асарда характерларни ҳаракатга келтирувчи омиллар кўпинча иш қийинчиликларида, меҳнат билан боғлаб берилган муҳаббат изтиробларида воқе бўлади. Шунинг учун конфликт кўп ҳолларда образларда, айниқса бош қаҳрамонда кечинма тарзида юз беради· Драматик ҳолатнинг бу йўналишида қаҳрамон — ошиқ йигит ва қурилиш жонбозининг психологияси яхши очилган.

Аммо персонажлар аро жангу жадалларнинг баъзи нуқталари изчил ривожланмай, осонликча ҳал бўлади. Бунинг натижасида баъзан айрим ижобий қаҳрамонларнинг курашчанлик руҳи хиралашиб қолади: Ҳазратовнинг тўғонда сув сирқиши нуқсини бўрттириши, пашшадан фил ясаб, қилдан қийиқ топиб Қоражонга ўринсиз айблар юклаши характери мантиқига мос тушади. Унинг ҳасадгўйлиги, мансабпараст, шуҳратпараст худбинлиги, шу иллатларга кўра, участка бошлиғи ўрнига бошлиқ бўлмоқчилиги каби жиҳатларига мувофиқ. Ҳазратов Қоражонни вазифасидан осонликча олдириб, ўрнига ўзи ўтиб олади. Бунда Ҳазратовнинг эгри йўллар билан, хушомад, иғволар билан иш битиришига, одамларнинг ожиз томонларидан фойдаланишга устамон эканлигига маълум ишоралар бор. Лекин у ишлайдиган қурилишдаги раҳбарлар — қурилиш бошлиғи Садовников, қурилиш партия ташкилоти секретари Иван Шишкинлар унинг бу қилғиликларига бефарқ қарайдиганлардан эмас. Бундан ташқари улар Қоражоннинг ўз вазифасига лойиқлигини жуда яхши биладилар. Шундай шароитда уларнинг Ҳазратов қилмишига лоқайд қарашлари · табиий чиққан деб бўлмайди. Бу нуқсон ижобий ва салбий шахслар аро курашни охиригача давом эттиришдан иборат анъанавий йўлдан чиқишга интилишдан, конфликтни ишлашда янгича йўлдан боришга уринишдан келиб чиққан бўлса керак. Қоражон билан Ҳазратов орасидаги зиддият ўзаро юзма-юз жангу жадаллар тарзида босқичма-босқич ривожланиб бормай, айни қизғин паллада қолиб кетиши, тугун Ҳазратовнинг ўтмиш фаолиятида (асарга асос бўлган қурилишдаги фаолиятида) йўл қўйган нуқсонлар фош бўлиши воситасида ечилиши Ҳазратовнинг қилмишлари қидирмиш бўлиб жазоланиши шундай дейишимизга асос беради.

Асарда баъзи ортиқчаликлар ҳам бор: зилзиладан вайрон бўлган хонадонлардан бирида топилган одам скелети масаласидаги англашилмовчиликлар, «жиноят»чиларни излаш-тергашлар билан боғлиқ сю-

www.ziyouz.com kutubxonasi

жет линияси темага унча боғланиб, характерларни очишга хизмат қилмайди.

Шу ўринда ёш танқидчи Ортиқбой Абдуллаев «Чотқол йўлбарси» ҳақидаги тақризида мазкур асарнинг романчилигимизнинг яхши намуналаридан бири сифатидаги фазилатларини яхши очиб бергани, айни чоғда романнинг айрим камчиликларини ҳам тўғри кўрсатиб берганини қайд қилиб ўтиш зарур.

«Чотқол йўлбарси» қаҳрамон руҳиятининг драмасини очишдаги, таъсирчанликни таъминлашдаги муваффақиятлари билан кейинги йиллар романчилигининг ибратли намуналаридан бири саналади. Юқорида фикр юритилган икки романнинг қаҳрамонлари Масъуд ва Қоражон эътиқодга, эзгуликка ҳар қандай ҳолларда — ҳатто ўлим хавфи туғилганда ҳам содиқ, буни жуда мураккаб шароитларда намоён қиладилар.

Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романи, Ўткир Ҳошимовнинг «Нур борки, соя бор» романи қаҳрамонлари худди шу жиҳати билан Масъуд ва Қоражоннинг издошлари.

«Диёнат» романининг ҳаётий замини — ҳозирги кунларимизнинг ички зиддиятлари ва уларни «ҳаракатга келтирувчи» омиллардадир.

Асарнинг бош қаҳрамонлари Отақўзи Умаров билан унинг тоғаси, катта олим, кекса коммунист Нормурод Шомуродовдир.

Отақўзи —ниҳоятда мураккаб шахс. У истеъдодли раҳбар, катта хўжаликни оёққа турғизиб, обрў орттирган улкан ташкилотчи. Айни замонда, бу одам характерида манманлик, ўзбошимчалик каби кўп иллатлар пайдо бўлганки, бунинг ҳам чуқур сабаблари бор.

Ёзувчи услубининг ижобий томони шундаки, у роман бош қаҳрамонини «қоралашга» шошмайди, уни дам қаттиққўл, ҳатто кўрс бир одам сифатида кўрсатса, дам ниҳоятда мард, танти одам сифатида тасвирлайди, энг муҳими Отақўзи характеридаги фазилатларнинг ҳам, жиддий қусурларнинг ҳам ҳаётий заминини очиб беришга интилади. Бу «замин»нинг вужудга келишида иккита шахснинг роли айниқса катта. Улардан бири — бир маҳаллар йирик лавозимда юрган, ҳозир ҳам катта хўжалик вазифасида турган Жамол Бўрибоевдир. У ҳар ишда фақат ўз манфаатини кўзлайдиган, кайф-сафо, маишат деса, ўзини томдан ташлайдиган, субутсиз бир одам. Ундаги бу сифатлар Отақўзининг таниш-билиш, ошна-оғайнигарчиликдан фойдаланиб иш битиришида қўл келади. Иккинчи шахс—область раҳбарларидан Бекмурод Холмуродовичдир. У Отақўзини бошқа хўжаликларга ўрнак қилиб кўрсатиш учун нуқсонларини яшириб, ютуқларини ошириб юради, кўп масалаларда уни қўллаб-қўлтиқлаб, кўтар-кўтар қилади. Бу билан у Отақўзининг ҳаддидан ошиб кетишига, тартиб-интизом, қонун-қоида ва ҳатто, ахлоқ нормаларидан чиқиб кетишига сабабчи бўлади. Ўз ҳақ-ҳуқуқини суиистеъмол қилишига, ўзини ортиқ даражада кучли ва қудратли ҳисоблаб, кичикроқ раҳбарларни менсимай қўйишига йўл очади. Отақўзи характерининг шаклланиши ва ривожланишида катта роль ўйнаган яна бир кимса Воҳид Миробидовдир. Илмда заҳмат чекиш, ижобий изланиш, кашфиётлар яратишдан кўра, қуруқ гап, ваъдабозлик, енгилтаклик, шуҳратпарастлик ва мансабпарастлик йўлини афзал кўрган, умум оқимга қараб оғизга тушиб қолган бу профессор Отақўзига жуда мос тушади: унинг ўғли Ҳайдарни фан кандидати қилишга шошилади. Ҳайдарнинг истеъдоди бор-йўқлигидан қатъий назар, уни қўллаб-қувватлаб чиқади. Албатта, Воҳид Миробидов бу яхшиликларни «текин»га қилмайди, балки узоқни кўзлаб, Отақўзи ёрдамида лауреат бўлиш ниятида қилади.

Ёзувчи Жамол Бўрибоев ва Воҳид Миробидов каби шахслар билан курашиш, уларни фош этиш осон эмаслигини кўрсатади. Бу жиҳатдан асар бош қаҳрамонларидан бири профессор Шомуродовнинг ҳаёт йўли ибратлидир. Шомуродов пок, ниҳоятда фидойи, ноҳақликларга қарши курашда принципиал бир инсон. Бу хислатларига кўра, у жияни Отақўзи ва унинг ўғли ишларидаги нуқсонларга бефарқ қарай олмайди.

Кекса олимнинг инсоний-ижтимоий бурчга содиқлик йўлида чеккан руҳий кечинмалари романда чуқур таҳлил қилиб берилган. Натижада бу одам мураккаб шахс сифатида гавдаланиб, меҳримизни қозонади. Бу ўринда унинг Ҳайдарнинг диссертация ҳимоясидаги руҳий ҳолати, «Минг булоқ» учун кураши, Отақўзи томонидан тортиб олинган бировнинг ҳовли-жойида истиқомат қилишни истамай тўсатдан кўчиб кетиши каби ҳоллардаги ички туғёнларни эслаб ўтиш кифоя. Тўғри, Шомуродов образи айрим нуқсонлардан холи эмас. Бу ҳақда Матёқуб Қўшжоновнинг «Ҳаётнинг ички тўлқинлари» номли тақризида билдирган эътирозлари асосли, биз ҳам шу фикрга қўшиламиз.

Асарнинг моҳияти тўғрисида, унда кўтарилган ҳаётий муаммолар борасида гап кетганда райком секретари Аброр Шукуров образи хусусида фикр юритмасдан ўтиб бўлмайди. Ёзувчи асарнинг биринчи саҳифалариданоқ, Отақўзи билан Аброр Шукуровни ёнма-ён қўяди, лекин Отақўзидан фарқли ўлароқ, Аброр Шукурович вазмин, босиқ, ақлли одам сифатида гавдаланади. Шукуров Отақўзининг нуқсонлари фақат унинг ўзигагина боғлиқ эмаслигини билади, бунга сабабчи омиллар кўплигини англайди. Шунинг учун чора кўришда шошилмайди, бу ишга вазминлик билан, эҳтиёткорона ёндашади, етти ўлчаб, бир кесиб, вазиятга қараб иш қилади. Шундай қилмаса, қош қўяман деб, кўз чиқариб қўйишини, яхши раҳбарни руҳий майиб қилиши мумкинлигини, бундан коллектив ишига катта зарар етишини чуқур ҳис қилади. Шунинг учун мазкур

www.ziyouz.com kutubxonasi

характерлар орасида юзма-юз тўқнашув, ошкора «жанг бўлмайди, бу «жанг» уларнинг қалбларида, пинҳоний руҳий олишишлар тарзида кечади! Аммо бу, кураш сустлашади деган сўз эмас. Аксинча, ички олишув тобора ўсиб, саҳнама-саҳна кескинлашиб боради-ю ниҳоят, бир саҳнада — Аброр Шукуровнинг уйидаги зиёфатда «портлаш» юз беради. Бу «портлаш» ҳам Шукуровда эмас, Отақўзида содир бўлади.

Романда кўтарилган масалалар ким ҳақида ва нима ҳақида бўлмасин бир муҳим муаммога — ахлоқ нормаларимизга бориб боғланади. Чунки «Диёнат» хўжалик ва илмий масалаларга оид кўп нуқталарни қамраб олгани ҳолда севги ва оила каби муаммоларни ҳам кенг ёритиб бир муҳим фикрни илгари суради: бизнинг жамиятимизда ҳамма иш поклик асосига қурилиши керак. Кимки бу қонунни — жамиятимизга хос бўлган бу муҳим ахлоқ нормаларини бузса — топган ҳаммаси иззат-икромидан айрилади.

Албатта, бу «Диёнат» романи камчиликлардан холи деган сўз эмас. Танқидчилик романнинг тилидаги айрим қусурларни, сюжетидаги такрорларни тўғри кўрсатиб ўтди. Биз бу фикрларга қўшилиб, авторнинг роман тилига яна сайқал беришини, тасвирдаги такрорлардан уни тозалаб чиқишини истардик.

Орамизда кирдикорларни кўриб-кўрмасликка олиб кетадиган «туя кўрдингми, йўқ» қабилида иш тутадиган кишилар, афсуски, йўқ эмас. Саркитларнинг узоқ яшовчанлиги лоқайдлик, худбинлик балосига кўп жиҳатдан боғлиқ. «Нур борки, соя бор» романи қаҳрамони Шерзод Самандаров ана шу иллатга — лоқайдликка қарши ўт очади. У — шундай офатлар илдизига болта урадиган, ёмонликка қарши аёвсиз курашадиган, инсоний идеалларга доим содиқ қоладиган фидойи йигит. Шиддаткорлиги, кескинлиги билан, айни пайтда, нафис туйғуларга бойлиги билан у китобхон меҳрини қозонади. Нимага қодиру нимага қодир эмаслигини бир-биридан мураккаб синовларда, бир-биридан оғир шароитларда намоён этади. Мана, шундай шароитлардан бири: касалхона палатасида жой бўш турибди. Йўлакда эса бемор чол ётибди. Бўлим мудири жойни «мавқеи баландроқ» одамга асраяпти. Бошқа киши бўлса, бу ишга аралашмаслиги мумкин. Аммо Шерзод жим туролмайди. Ўзи бетоб бўлишига қарамай, масалага актив аралашиб кетади. Бу ўринда қаҳрамоннинг ҳаракат йўналиши аниқ. Аммо кейинги ҳолатда — Сайфи Соқиевичга муносабатда ниҳоятда танг аҳволда қолади: у виждон амрига кўра, Сайфиддин аканинг юлғичликларини очиб ташлаши шарт. Аммо бунинг учун ҳеч бир асос йўқ. Сайфи Соқиевич бу ишларни шундай устаси фаранглик билан қиладики, уни тутишдан оғир мушкулот йўқ. Лекин нопокликка қарши курашдан воз кечишга Шерзоднинг принципиал курашчилик характери йўл қўймайди. Шу тариқа маънавий юксаклик ва тубанлик, поклик ва нопоклик, адолат ва разолат, хуллас нур ва соялар ўртасида кураш кетади.

Раис ҳақидаги шикоятномага муносабатда бош қаҳрамон характерининг яна бир муҳим томони очилади. Раис — аслида хизмат кўрсатган, донгдор киши. Аммо кейинчалик ҳаддидан ошиб, ғурурланиб кетади. Одамларга зуғум қила бошлайди. Унинг бу хатоси жабрини тортганлар заҳмати Шерзодни курашга чорлайди. Аммо бу ҳам осон иш эмас. Раиснинг суянчиқлари кўп. Бунинг устига Шерзоднинг онаси ва синглиси худди шу колхозда яшайди. Кези келганда раис улардан ўч олиши мумкин. Шундай вазиятда ҳам Шерзод виждони буюрган ишни қилади. Фельетон муҳокамаси можаросидаги ана шу курашчанлик руҳи бошқа бир можарода — ижобий қаҳрамон билан савдо системасидаги салбий типлар курашида яна ўзига хос таъсирчанлик кашф этади. Танқидчи Умарали Норматов айтганидек, қаҳрамон бу соҳадаги «қора куч» тимсоли Сайфи Соқиевич осонликча таслим бўладиганлардан эмас. Умуман, Сайфи Соқиевич ҳаётимизда учраб турадиган худбин, маккор, фақат ўзи учун яшайдиган тип даражасига кўтарилган. Бундайларнинг ишини бир ёқлик қилиш ёлғиз Шерзоднинг қўлидан келмайди. Шунинг учун ҳам «Нур борки, соя бор»да бу масала халқ контроли орқали ҳал қилиниши бежиз эмас.

Албатта, асарда ўзига хос камчиликлар йўқ эмас. Умарали Норматов айтганидай, барча сюжет тармоқлари бош қаҳрамоннинг фаолияти, асарнинг етакчи ғоявий проблематикаси билан бирдек чатишиб кетмаган. Савдо ходими билан уруш инвалиди ўртасидаги тўқнашувда, қотил (Сирожиддин)ни аниқлаш ва қўлга туширишда жўнлик бор. Шунингдек, асар таҳлилига киришиш олдида айтганимиздай, савдо ходими юлғичлигининг муҳити, уни қўллаб-қувватловчилар фош этилмаган. Булар биринчи марта роман жанрига қўл урган автор олдидаги мушкулликлар туфайли йўл қўйилган камчиликлардир.

Драматик романлар — «Мангулик», «Чотқол йўлбарси», «Диёнат», «Нур борки, соя бор»лар ҳақида кўп баҳслар қилиш мумкин. Аммо бир нарсада баҳслашиб бўлмайди: бу романлар ниҳоятда ўқишли эканлигига шак келтириш мумкин эмас. Ҳамма саҳифалари нурга йўғрилиб, эҳтирос чўғи билан ловуллаб турганга ўхшайди. Бу асарлар қизиқарли воқеаларга бойлиги учун ҳам орзиқиш билан ўқилади, дейиш хато бўлур эди. Асосий гап, юқорида зикр этилган романларда тирик одамлар, чуқур инсоний драмаларга бой шахслар борлигида. Ўқувчи уларнинг курашига, интилишига, қувонч ва ташвишига шерик бўлади. Шунингдек, тилга олинган асарларда бугунги кунда кўпчиликни ўйлантириб турган жиддий масалалар ўз аксини топган.

www.ziyouz.com kutubxonasi